Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан нашр бошлаган. ◎ № 138 (7. 227) ◎ 1990 йил 19 июнь, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

◎ «СССР халқ депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақида» ҳамда «Совет милицияси тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қонунларининг лойиҳаси эълон қилинган.

◎ КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни пухталаштириш билан шуғулланаётган партия XXVIII съездига тайёргарлик гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди, деб хабар берилади расмий ахборотда.

◎ Бугун Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Россия партия конференцияси ўз ишини бошлади. Мазкур конференцияга республика коммунистлари қандай фикрлар билан келишди? «Правда» рўзномасининг биринчи саҳифасидаги «Уфқ ортига қандай назар ташлаш мумкин?» сарлавҳали мақолада конференция делегатлари ТАСС мухбирларининг саволларига жавоб бердилар.

Янгиликлар. Воқеалар. Хушхабарлар

Олийгоҳ яна биттага ошди

◎ ТОШКЕНТДА тиббиёт олийгоҳи яна биттага кўпаядиган бўлди. Жумҳурият ҳукумати давр талабларидан келиб чиқиб ва инсон саломатлигини сақлаш ва узоқ умр кўришига интилиб ана шундай қарор қабул қилди.

Янги олий ўқув даргоҳи янги Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи ҳудудида барпо этилиб, Иккинчи Тошкент тиббиёт олийгоҳи деб юритилади ва у даволаш ҳамда санитария-гигиена қуллиётларини бирлаштиради. Биринчи тиббиёт олийгоҳида эса даволаш ҳамда тиш қуллиётлари қолади. Бу йил ҳар иккала олийгоҳ тахминан 800 нафардан йигит ва қизларни ўз бағрига олади. Ҳозирги пайтда янги олийгоҳнинг иш юритадиган қисмини аниқлаш бўйича комиссия ишламоқда. Бу комиссия 1 июлга қадар ўз ишини ниҳоясига етказади ва янги олийгоҳ ўз фаолиятини бошлайди.

«Тошкент, олтин нишонни қабул эт!»

◎ БУ кун тошкентлик ноёб ротор компрессори бунёдкорларининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Улар оригинал қурилмани ихтиро қилиб, ясаганликлари учун Халқаро Познань ярмаркасининг олтин медалига сазовор бўлдилар. Мукофот бугал СССР павильони доирасида алоҳида кўргазма ташкил қилган Ўзбекистон миллий совет жумҳурияти вакилларига бу ерда анъанавий равишда ўтказиладиган тантанали маросим вақтида топширилди.

Биз Совет ҳукуматининг суверен жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллигига қаратилган йўлидан фойдаланиб, поляк касбдошлар билан, жумладан уларнинг қурилиш фирмалари билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатмоқчимиз, деди кўргазма директори Шуҳрат Охунжонов. Катта тажрибага ва эркин ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган поляк дўстларимиз қисқа вақт ичида меҳмонхоналар, сайёҳхоналар ва саёҳатчиларга хизмат қилувчи бошқа иншоотларни сифатли қилиб қура оладилар, гўзал табиатли Ўзбекистонда эса мана шундай иншоотлар нияоятда етишмаяпти. Ҳисоб-китобларни қатъий валютада ҳам, шунингдек ўзаро хом ашё, асбоб-ускуна, товарлар етказиб бериш ҳисобига ҳам олиб бориш мумкин бўлур эди. Келгуси йилдан бошлаб мамлакатларимиз ўз иқтисодий муносабатларида қатъий валютага ўтиши бу ишда қулайлик беради.

Бу йил 38 та давлат қатнашаётган байналмилал кўрикнинг олий мукофотлари юксак техникавий ва истеъмол хоссаларига эга бўлган дунёнинг 10 мамлакатидан юборилган яна 45 та энг яхши маҳсулотга берилди. Халқаро Познань ярмаркасида бу йил мезбонларнинг ўзлари энг кўп мукофот олишди: поляк корхоналарининг экспонатларини мўътабар халқаро ҳакамлар ҳайъати 17 та олтин медаль билан тақдирлади. Япония билан ГФР шундан кейинги ўринларни олишди. Стереомагнитола учун Польшанинг «Унитра» корхонаси эса «Ёш экспортчи» деган фахрий номга сазовор бўлди, деб хабар беради Варшавадан ТАСС мухбири М. Малчун.

Далада меҳнат таътили

◎ ИНДУСТРИАЛ ПЕДАГОГИКА техникуми 35 талабасининг Оржоникидзе районидаги Қибрай совхозида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштиришга кўмаклашаш учун келганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

БУГУН улар йиғиштириб топширган ҳосилнинг умумий ҳажми 400 минг килограммдан ошиб кетди.

— Ой охиригача қадар яна 600 минг килограмм қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди техникум директори Р. Жабборхўжаев.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

18 июнь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси М. И. Иброҳимов очди.

Йиғилганлар икки сессия оралиғида вафот этган Ўзбекистон ССР халқ депутати М. Қиличевнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов Уш вилоятидаги воқеалар муносабати билан тузилган жумҳурият штабининг иши тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев мандат комиссияси маърузасини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг маърузаси юзасидан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясидан кейинги даврда сайланган Ўзбекистон ССРнинг 39 нафар халқ депутати ваколатини эътироф этди.

Сессия ишининг кун тартиби тасдиқланади. Депутатлар мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, конституцион назорат тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишлари, конституцион назорат комитетини тузишлари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат ахборотини, шунингдек СССР Олий Советининг «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида» қабул қилган қарори хусусида доимий комиссиянинг маърузасини тинглашлари керак. Бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади.

Олий Совет биринчи масалалар қаторида Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссиясининг раиси депутат А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. Одилов, М. А. Ибодуллаев, А. Т. Мавлонқулов Б. Раҳмонов, К. Саидов, Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов), Т. Ҳошимов, А. Р. Абдуллаев, Н. Саъдуллаев, К. Турсунов, А. Асқаров, Т. Баркашев, В. Содиқов, Э. Хўжаев қатнашдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар доимий комиссияга айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқишни ҳамда Олий Совет тасдиғига тақдим этишни топширдилар.

Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат А. Х. Тошкенбоев Ўзбекистон ССРнинг ер тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Ш. Муродов, Х. Э. Бердиев, Р. Тожиев, Э. Т. Шайхов, Ғ. Н. Хожиев, З. З. Нуриддинов, Б. Ж. Ҳакимов, С. Усмонов, А. Ниёзов, А. Исаев, Т. Ф. Қодирова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бу қонун лойиҳасини ҳам асос учун қабул қилдилар, у узилкесил ишлаб чиқиш учун доимий комиссияга қайтарилди, сўнг Олий Совет тасдиғига тақдим этиладиган бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН

Зокирова Муқаддам Ғаффоровна — Ильич номли камоа хўжалигининг аъзосига, Собир Раҳимов райони.

Маҳмудова Олма — хизматчига, Куйбишев райони.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 май.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати



Яхши ниятлар билан

ИШЛАБ чиқаришнинг бирон бир соҳаси йўққи, илм-фан ютуқларисиз ривожланиши мумкин бўлса. Илм-фан қайси мамлакатда ривожланган бўлса, қайси мамлакатда унга эътибор кучли бўлса, демакки, ўша давлат ҳар томонлама қудратли бўлади, халқи фаровон яшайди.

Ўзбекистон коммунистларининг XXII съездида таъкидлаб ўтилганидек жумҳуриятимиз иқтисодиётини кўтариш учун олимларимиз жуда кўп иш қилишларн керак. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, жумҳурият Фанлар академияси академиги Маҳмуд Салоҳиддинович Салоҳиддинов ана шундай фидойи олимлардан. Маҳмуд Салоҳиддинович йирик ғнёзётчи олим сифатида нафақат Иттифоқимиз, ҳатто хорижий мамлакатлар илм аҳлига ҳам яхши таниш. Олимнинг яратган дарслик ва рисолаларн ёш авлодга ғнёзиёт сирларини ўргатишда баҳоли қудрат хизмат қилиб келяпти.

У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти лавозимида ишлаган чоғида ҳам, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри бўлиб ишлаган йилларида ҳам маҳаллий ёш кадрларни кўплаб тайёрлашга алоҳида эътибор берди.

Лекин ҳозир гап бошқа нарса ҳақида, яъни унинг коммунистлиги, ўз халқининг знёли бир фуқароси ва коммунист сифатида олиб бораётган ишлари ҳақида. Одатда знёли раҳбарларнинг бўш вақти жуда оз бўлади. Бунинг устига бир-биридан муҳим йиғинларда қатнашиш, турли тадбирларда иштирок этиш ҳам талайгина вақтни олади. Маҳмуд Салоҳиддинович эса ҳаммасига улгуришга ҳаракат қилади.

Партия ҳозир масъулнятли даврни ўз бошидан кечирняпти. Шу жумладан ҳар бир коммунист ҳам. Баъзи коммунистлар қаттиқ синовга дош беришни истамай ҳатто партиядан чиқишяпти. Аммо аксарияти ўз эътиқодида собит турибди. Эртанги кунга ишонч билан, умид билан қараяпти.

Бир неча кундан сўнг Москвада КПСС XXVIII съезди ўз ишини бошлайди. Бу улкан анжуманга ҳар бир коммунист катта-катта муаммоларни ҳал этгани, саволларга жавоб олгани боражаги шубҳасиз. Шу жумладан жумҳуриятимиздан борадиган илм аҳлининг ҳам ўзларига яраша кўтарадиган масалалари бор. Мақсад эса битта: Ўзбекистонни инқироздан олиб чиқиш, иқтисодиётимизни кўтариш, халқ турмушини яхшилаш. Яна бир муҳим томони — партия мавқеини тиклаш, миллионлар қалбида унга ишонч уйғотиш. Бу ишда ҳам олимларимиз олдинги сафда бўлишларига шубҳа йўқ.

Катта олим, салкам ўттиз йилдирки Коммунистик партия сафида дадил келаётган М. С. Салоҳиддинов Ўзбекистонлик коммунист олимлар номидан яхши ниятлар билан Москвага боради.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, КПСС XXVIII съезди делегати М. С. Салоҳиддинов.

Т. Каримов сурати.

Советлар ҳаётидан

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«Шуни айтиш керакки, умуман коммунистлар шаҳар ва район Советларига сайланган депутатларнинг салкам 80 фонзини ташкил қилди. Эндиликда коммунист депутатларнинг вазифаси халқ ишончини иш билан оқлашдан, шаҳар партия ташкилоти дастурининг қоидаларини амалга оширишдан, сайловчиларнинг наказларини бажаришдан иборат». Октябрь район Советининг депутати Абдулла Турсунов билан қилган суҳбатимизга XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси минбаридан янграган ана шу сўзлар бош мавзу қилиб олинди.

— Бу борада сўз борганда, — дейди депутат бизга, — Советларнинг ташкилий сессиялари қайта қуришнинг ҳақиқий пешқадамларини излаб топиш учун асос бўлганлигини айтиб ўтмоқ жоиз. Қолаверса, бу анжуманларнинг якунлари партия комитетларининг обрўсини тасдиқловчи ўзига хос мезон бўлди.

Шаҳар партия ташкилоти халқ депутатлари Советларидан ўз сиёсатини ўтказишнинг янги замонавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқаришга мажбур бўлди. Эндиликда олдимизда Советлардаги партия гуруҳлари фаолиятини қайта қуриш вазифаси турибди. Улар жиддий масалалар юзасидан коммунист депутатларнинг умумий йўлини ишлаб чиқишлари, уларнинг кучғайратларини бирлаштиришлари, Советлар фаолиятини амалий йўлга солиб юборишлари керак. Ана шу коммунист депутатлар эса Советлар ишини янада жонлантиришда, шаҳар партия комитетининг бош мақсадларини амалга оширишда фаол бўлишлари керак бўлади.

Шу ўринда бироз орқага қайтмоқчиман. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини бир эслаб кўрайлик. Депутат сифатида бу анжуман ишини катта қизиқиш билан кузатдим. Биз илгари кўр-кўрона қўл кўтариб, овоз беришга ўрганиб қолган эдик. Кўпгина депутатлар кўрилаётган масалаларнинг моҳияти ва сиёсий аҳамиятига жуда ҳам эътибор беришавермасди. Раҳбарлар нима дейишса шуда, деган тургунлик даврининг иллати айрим кишиларда сақланиб келар эди. Бу гал ундай бўлмади. Сессия бошланган кунданоқ ҳар бир халқ депутатининг руҳидаги жўшқинлик, кўтаринкилик аниқ-равшан сезилиб турарди.

Ошкоралик ва демократия сессиянинг саккиз кун давом этган барча мажлисларида ўз аксини топди. Буни биз Ўзбекистон ҳукумати раисини сайлаш чоғида ҳам, комиссиялар тартибини тузишда ҳам, вазирликларни сайлашда ҳам аниқ-равшан ҳис этиб турдик.

Ҳаммага маълум бўлганидек жамиятимиз ҳаётида туб бурилишлар, ўзгаришлар содир бўлмоқда. Демократия ва қайта қуриш туфайли йиллар давомида халқ дилида ишириб ётган орзу-истаклар, муаммолар юзага чиқмоқда. Янгиланиш айрим бузғунчилик кайфиятидаги шахсларни ҳам кўзимизга яққол кўрсатиб қўймоқда. Тушунишимча ана шундай қийин шароитда социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни янги тараққиёт сари бошлаш мушкул бўлиб қолди. Давлатни Президентлик идораси орқали бошқариш бирдан бир тўғри йўл эканлигини бутун халқ эътироф этди. Жумҳуриятимизнинг фаровон ҳаёт кечириши кўпроқ биз сайлаб қўйган Президент ва унинг атрофидаги Президентлик кенгаши кишиларига, қолаверса, бундан кейинги ривожланишнинг самараси, сессиялар чиқарган қатор қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири ва уларни амалда қўллашга боғлиқдир.

Коммунистлар сафига аъзо бўлганимга 13 йилдан ортиқ вақт бўлди. Шу давр мобайнида ўзим ишлаб келаётган 2-автокомбинат партия ташкилоти сафларини мустаҳкамлаш учун қўлимдан келганча курашиб келаман. Шунинг учун бўлса керак, район Советига депутат бўлиб сайланишимда улар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Бундай катта ишонч учун уларга чин дилдан раҳмат айтаман.

Суҳбатимиз мавзуи депутатлик фаолиятига кўчганда Абдулла ўз дастури ва келажак режалари билан бизни яқиндан таништирди. Биз уларни бирма-бир санаб ўтишни лозим топмаган ҳолда депутатнинг шу кунгача бажарган ишлари ҳақида бир-икки оғиз гапиришни жоиз деб топдик. А. Турсуновнинг елиб-югуриши туфайли маҳаллада амбулатория очилди. Маҳалла ветеранларига, кўп болали оналарга хизмат кўрсатадиган магазин ишга туширилди. Ҳозир депутат маҳаллани тўла газлаштириш ва канализация ўтказиш ишлари билан боғлиқ таклифлар юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Депутатнинг келажак режалари ҳам катта.

— Хуллас коммунист депутат сифатида халқ ишончини қозониш йўлида астойдил меҳнат қилишга бел боғлаганман, — дейди у. — Чунки халққа хизмат қилишни ҳар бир депутатнинг чинакам бахти деб биламан.

М. ОРИПОВ.

Жумҳуриятлараро кенгаш

◎ Эртага, 20 июнь куни Тошкент шаҳрида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш муаммолари юзасидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлараро кенгаши ўтказилади. Кенгаш ишида соғлиқни сақлаш вазирликларининг мутасадди вакиллари, илмий-текшириш маъхадларининг раҳбарлари ва шу соҳанинг мутахассислари иштирок этадилар.

КЕНГАШДА жумҳурият ва вилоятлар табиий-иқтисодий хусусиятларини назарда тутган ҳолда, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, шу борадаги илмий-текшириш йўналишларини мувофиқлаштириш масалалари тўғрисида келишиб олинади. Шу билан бирга, кўп болали оиланинг ташкил топиши, унинг муаммолари, оналар ва болалар соғлиғига таъсири, даволашни ҳамда касалликнинг олдини олишни тўғри ташкил этиш каби долзарб масалалар юзасидан илмий ва тажрибавий маърузалар тингланади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида эмизикли оналар ва ғўдаклардаги камқонлик ва бошқа юқумли касалликлар, фатосли яраларнинг олдини олиш, бир ёшгача бўлган болаларни махсус овқатлантиришда фаннинг энг сўнгги ютуқларининг амалиётда қўлланиши алоҳида муҳимлиги кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари юқоридаги муаммоларнинг ҳозирги аҳволини ўрганиш асосида уни яхшилашнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқадилар, буларнинг натижалари оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасида катта аҳамият касб этиши кутилади.

Т. АШРАФХОНОВ.

Тўйдан кейинги ноғора

Кеча Баридаги «Нуово Комунале» стадионида гуруҳдаги охирги, ҳал қилувчи ўйинни ўтказиш учун СССР ва Камерун терма командалари яшил майдонга тушишди. Энди командамизнинг таркиби билан танишинг: Уваров, Хидиятуллин, Кузнецов, Демьяненко, Зигмантович, Алейников, Горлукович, Шалимов (Заваров). Литовченко, (Яремчук), Добровольский, Протасов.

Аввалги ўтказган икки муваффақиятсиз ўйинимиздан сўнг вазият шуни тақозо қиларди-ки, ҳамгуруҳларимиз — Аргентина ва Руминя командаларидан бири, иложи борича ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбормай ғалаба қозониши, биз эса Камерун футболчиларининг дарвозасини тўрт ёки беш маротаба ишғол қилган ҳолда ғолиб чиқишимиз керак эди. Бундай ўйлаб қарағанда бу жуда оғир вазифага ўхшарди. Ғалаба учун бор кучмаҳоратни сарфлаб, тинмай ҳаракат қилиш зарур эди. Ўйинимиз ҳам аста-секин қизувша бошлади. Биринчи тўпни 21-дақиқада Олег Протасов киритди. 30-дақиқада эса Алейниковнинг кучли зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди ва уни Зигмантович тўрга туширди — 2:0. Биринчи бўлим худди шу ҳисобда якунланди. Ўйиннинг 57-дақиқасида иккинчи бўлимда майдонга тушган Заваров Н. Кононн учинчи маротаба догда қолдирди. Учрашув бизнинг тўла устунлигимизда ўта бошлади. 67-дақиқада Добровольскийнинг бошн билан уриб киритган чиройли тўпидан сўнг илк маротаба ишқибозларимиз қалбида умид учқунлари ёнди: балки нимчорак финалга чиқиш учун ҳали кеч эмасдир?

Ушбу саволга бизнинг ўйинимиз билан бир вақтда Неаполда ўтаётган Аргентина — Руминя беллашуви жавоб бериши керак эди. Иккинчи бўлимнинг ўрталарида Аргентина ҳимоячиси Монсон тўп киритганидан сўнг ҳақиқатан ҳам бизда умид уйғонган эди. Афсуски, кўп ўтмай, Балинт жавоб тўпини киритди. Ва командалар, дадил айтиш мумкинки, бундан кейин майдонда фақат вақт ўтказиш учунгина ҳаракат қилдилар. Ҳа, ушбу ўйинда биз учун керак бўлмаган ягона натижа, дуранг қайд этилди. Оқибатда ўчтадан очко тўплаган Аргентина ва Руминя футболчилари нимчорак финалга йўлланма олдилар. Биз эса гуруҳда сўнгги ўринни эгаллаб, биринчиликни алам билан тарк этишга мажбурмиз. Кейинги босқичга чиқиш учун тақдир тўфонлари билан ўйнашмай, аввалроқ ҳаракат қилишимиз керак эди. Ҳа, ушбу биринчиликнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, энди эртани ўйлашимизга тўғри келади.

Гуруҳдаги якуний вазият билан танишинг:

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. Камерун	3	2	0	1	3—5	4
2. Руминя	3	1	1	1	4—3	3
3. Аргентина	3	1	1	1	3—2	3
4. СССР	3	1	0	2	4—4	2

Д. ИСРОИЛОВ.

КПСС XXVIII съезди олдидан

Якдиллик зарур

Коммунист сўз сўрайди

ЗАВОДИМИЗ коммунистлари юксак ишонч билдириб, мени яқинда КПСС сафига қабул қилишди. Партиямизнинг бўлажак анжуманига тайёргарлик кетаётган айни бир вақтда ҳаётимда рўй берган бу муҳим воқеадан анча мамнун бўлдим. Очиғини айтсам, коммунистлар сафида бўлиш орзуси менда даб-дурустдан туғилгани йўқ. Партия иши билан ўз ҳаётини боғлаган, унга сидқидилдан хизмат қилган кўпгина ҳалол ишчиларни биламан. Улардаги мустаҳкам эътиқод, ленинча принципларга садоқат мени доимо ҳаяжонга солиб келган. Қолбим, вужудим билан ана шундай кишилар сафида бўлишга интилардим. Ўтган йили орзуимга эришдим. КПСС аъзолигига номзод бўлдим. Синов даври зиммамга катта масъулият юклади. Корхонамиздаги қайта таъмирланган участкаларнинг ремонтини яхшилашга, ишнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор бера бошладим. Негаки, коммунист аввало ўз иш жойида фидойилик кўрсатиши керак. Давлат планларини бажарилиши унинг учун энг асосий вазифадир.

Бизнинг бошқармамиз корхонамизни таъмирлаш билан шуғулланади. Ишимиз унчалик кўзга ташланмаса ҳам жамоага катта наф келтиряпмиз. Таъмирланаётган участкаларни сифатли ремонтдан чиқаришга эришяпмиз. Айни вақтда иш билан бўлиб, жамоат топшириқларидан четда қолаётганим йўқ. Номзодлик даврим давомида бу соҳага ҳам талабчанлигини бирмунча кучайтирдим. Корхонамиз ҳаётидаги ишларда фаол қатнашишга ҳаракат қилдим. Партия ишига жиддий муносабатим кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Йиғилишларда корхонамиздаги мавжуд аҳволга холис баҳо бериб, ўз муносабатимни билдириб бордим. Бу туфайли менга тавсиянома бериш чоғида коммунистлар мана шундай жонкуярлик билан ишлашни алоҳида таъкидлашди. Албатта, уларнинг сўзларини инобатга олмасдан бўлмайди. Айниқса, кўп йилдан буён партия сафида бўлиб келаётган, Улуғ Ватан уруши жангоҳларида тобланган, меҳнатда ҳам ўзини кўрсатган моҳир мутахассис Михаил Ковлер талабини қатъий қўйди. Бу одамни мен бир неча йилдан бери биламан ва астойдил ҳурмат қиламан. Тавсияномани олар эканман, тажрибали таъминотчи ҳамиша шундай ҳалол ишчи бўлишимга наказ берди. Партияга қабул қилишда тартиб-интизом кучайган, янги усуллар қарор топаётган ҳозирги шароитда меҳнат кексасидан бундай сўзларни эшитиш қувончли ҳол эди. Ниятимга эришдим. Партия аъзоси бўлдим. Партияга қабул чоғида олдингидай қоғозбозликларга, юғур-югурларга барҳам берилганлиги мени анча хотиржам этди. Аслида бу ишларни олдинроқ бошлаш зарур эди.

Эндиликда ёш коммунист сифатида шуни ҳис этаяпманки, аввало КПСС аъзоси софдил, ҳалол, виждонли киши бўлиши керак. Ҳозир партия сафлари ана шундай фидойи кишилар ҳисобига бойиб бормоқда. Партиянинг мавқеини тиклаш, обрўсини кўтариш, авангардлик ролини сақлаб қолиш коммунистларнинг энг муҳим вазифаларига айланиб боряпти. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган КПСС Устави лойиҳасида ва партиянинг Ҳаракат дастурида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унинг кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама этилиши партияни демократиялашни албатта чуқурлаштиради. Корхонамиз коммунистлари иккала ҳужжатни ҳам чуқур қониқиш билан ўрганиб чиқдилар ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу уларнинг партия учун айни оғир шароитда унинг тақдирига бефарқ қарамаётганликларидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимиз коммунистларининг анжумани иш бошлайдиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Биз бу анжуманда партия ҳаётининг ҳамма масалалари ижобий ҳал этилишига умид қилаяпмиз. Бунга эришиш албатта осон эмас. Аввало бирлик ва якдиллик зарур. Бунинг учун энг аввало партия ўз сафидаги носоғлом кишилардан халос бўлиши керак. Қолаверса, коммунистларнинг ҳам ўз ишларига нисбатан масъулиятини кучайтириш зарур. Улар қанчалик ҳаққоний ишласалар, партияда қайта қуриш шунчалик енгиллашади, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланади.

Р. РИХСИЕВ,
Ўрта Осиё газ автоматикаси заводи таъмирлаш-қуриниш бошқармасининг сувоқчиси.



⊙ **ИШЧИЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида Маҳамаджон Тешабоевни яхши билишади.**

— 30 йилдан зиёд вақтдан бери ишлаб келаяпман. Ҳозир бир ўзим тўққизта автоматик дастгоҳни бошқараяпман. Замонавий техника билан ишлайдиган ҳўб ажойиб даврлар келди-да, — дейди у.

Ҳалол меҳнати эвазига Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларини олган бу ишчи бугунги кунда юзлаб янги агрегатларни қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига жўнатишга катта ҳисса қўшмоқда.

Х. Мирзакаримов суратлари.



Хориждан хабарлар

● ВАШИНГТОН. Агар Исроил Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш йўлида дарҳол чоралар кўрмаса, Қўшма Штатлар бу борадаги музокараларга кўмаклашиш ниятини амалга оширмайди, деди давлат секретари Жеймс Бейкер АҚШ конгрессида вакиллар палатасининг ташқи ишлар комитети ўтказган муҳокамада сўзга чиқиб.

Бейкер, АҚШнинг фикрича, тинчлик режаси амалга оширилмаётганлиги учун масъулият Исроил зиммасига тушишини яширмади.

● БОНН. Ғарбий Германия саноати шарқий комитетининг раиси Отто Вольф Фон Амеронгеннинг фикрича, Шарқий Европа мамлакатларида демократик ўзгартишлар амалга оширилишини рағбатлантириш Ғарбдаги индустриал давлатлар ана шу мамлакатларга нисбатан ўтказаётган иқтисодий сиёсатининг мақсади бўлиши керак. Айни пайтда уларнинг ички ишларига аралашиш имкониятини истисно қилиш лозим.

Ҳозир фойда кетидан кўр-кўрона қувиб, сиёсий найрангбозлик қилиш вақти эмас, деди у Гамбургда ўтказилаётган реклама соҳаси мутахассисларининг халқаро конгрессида сўзга чиқиб. Ҳозирги пайтда Ғарбий Европадаги барча мамлакатларнинг Ғарб билан Шарқ ўртасида турмуш даражасидаги фарқни камайтиришга қаратилган биргаликдаги ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ғарбдаги индустриал давлатларнинг Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодиётини янгилаш мақсадида зарур даражадаги молиявий мадади бунга кўмаклашган бўлур эди.

● ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг Манагуадан хабар беришича, авиадиспетчерларнинг иш ташлаши натижасида Никарагуа пойтахтидаги халқаро аэропорт ёпиб қўйилди.

Авиадиспетчерлар касаба уюшмасининг раҳбари Мануэль Гарсианинг айтишича, иш ташловчилар иш ҳақи оширилишини ва ўзларининг ишдан бўшатилган ўртоғи қайта ишга олинишини талаб қилмоқдалар. Уларнинг айтишича, ана шу ишчи ҳокимият тепасига янги ҳукумат келганлиги муносабати билан сиёсий сабабларга кўра ишдан бўшатилган эди.

Шарҳчи сатрлари

УЗОҚ ЙЎЛДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

ОХИРГИ марта бўлиб ўтган олий даражадаги Совет-Америка учрашувида жами 20 дан зиёд битим ва қўшма баёнотлар имзоланган эди. Булар қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатишдан тортиб бир-бирларига студентларни юбориб туришгача бўлган масалалар кенг доирасини қамраб олди. Улар бирга олиб қараганда илгари Мальта соҳилларида бўлган учрашув чоғида бошланган янги ўзаро муносабатлар асосларини мустаҳкамлашга икки буюк давлатнинг интилишини ифодалайди.

Вашингтонда имзоланган ҳужжатлар орасида, менимча, айниқса савдо ҳусусидаги битим алоҳида аҳамиятга сазовордир. Чунки бундай битим имзоланишига сўнгги дақиқагача қатъий ишонч йўқ эди. Оқ уйнинг матбуот секретари Марлин Фицуотернинг тан олишича, «имзолаш маросимига ярим соат қолгандагина узил-кесил қарор қабул қилинди». Бунга, аввало, америкалик қонун чиқарувчилар катта гуруҳининг жиддий қаршилик кўрсатиши сабаб бўлди. Улар савдо-иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш йўлида қилинаётган ҳар бир ишни СССР Олий Советининг эмиграция тўғрисида янги қонун қабул қилиши, шунингдек Литва тевараги даги вазиятни тартибга солиш билан боғламоқдалар.

Президент Жорж Буш ва унинг маъмурияти ҳам умуман шундай фикрда, лекин улар Америка савдо-саноат доираларининг фикри билан ҳисоблашишга мажбур. Қўшма Штатлар корпорацияларининг неча йиллардан буён Ғарбий Европа ва Япония фирмалари ҳозир СССРда амалий алоқалар ўрнатиш ва уларни кенгайтириш учун очилган имкониятлардан фаол фойдаланмаётганликлари н и ҳасад ва норозилик билан кузатиб туришибди. Америкаликларга эса расмий Вашингтон қўйган хилма-хил тўсиқлар халал бераяпти — бу АҚШнинг СССРга савдо-сотиқда қулайлик яратиб беришдан бош тортиши ва 1974 йилда савдо-сотиқ тўғрисида қабул қилинган қонунга савдо алоқаларини ривожлантиришни СССРдан эмиграция масалалари билан боғловчи, камситувчи Жексон-Вэник тузатишидир.

Бошқача айтганда, АҚШ савдо-саноат доиралари ўзларининг асосий рақобатчиларига нисбатан тенгсиз вазиятга солиб қўйилди. Улар буни англаган ҳолда маъмуриятнинг савдо сиёсатида ўзгаришларга эришиш мақсадида Буш га тазйиқ ўтказишни сусайтирмадилар. Улар туб ўзгаришга эриша олмадилар, лекин Оқ уй дастлабки қадамни ташлаши — битимни имзолаш учун тўрткн бердилар. Энди бу битимни конгресс тасдиғидан ўтказиш керак бўлади.

«Бир вақтлар Президент Советлар эмиграция тўғрисида қонун қабул қилмагунича биз СССРга қулайлик яратиб бермаслигимиз тўғрисида қўйган шартни ҳисобга олиб, Москвада бу қонун тасдиқланмагунича, савдо битими конгрессга юборилмайди», деб таъкидлади АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер.

Савдо битими ҳусусида конгресснинг фикри қандай? Вакиллар палатасида яқинда бўлган овоз бериш Америка қонун чиқарувчилари қандай кайфиятдалигини кўрсатади. М. С. Горбачев АҚШдан жўнаб кетганидан кейин палата СССРга ва Шарқий Европа мамлакатларига Қўшма Штатлардан компьютерлар ва телекоммуникация системаларини етказиб бериш шартларини енгиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Бироқ шу куниёқ «Москва билан Вильнюс ўртасида жиддий музокаралар» бошланганидан кейингина мазкур технологиянинг СССРга экспорт қилинишини кўзда тутувчи тузатиш қабул қилинди...

Ҳозир СССР АҚШ билан савдода қулайликка эга бўлмаган жаҳондаги 12 мамлакатдан биридир. Бу нимани билдиради? Совет товарларидан бошқа мамлакатлардан харид қилинадиган моллардан олинадиган божга нисбатан 10 баравар кўп бож олинади. Агар савдо битими кучга кирса Совет Иттифоқи учун бошқа ҳар қандай мамлакатга нисбатан энг кам бож миқдорлари жорий этилади. Лекин яқин вақт ичида савдо-сотиқнинг жуда ривожланиб кетишини кутиб бўлмайди, чунки ҳозир Совет Иттифоқи америкаликлар сотиб олишни истаётган нарсаларни жуда кам ишлаб чиқармоқда ва биз ўзимиз АҚШдан олишни хоҳлаётган моллар учун пул тўлашимиз қийин. Ҳар қалай, Америка расмий кишиларининг фикрича, яқин 3—5 йил ичида икки давлат ўртасидаги ҳозирги 5 миллиард долларлик йиллик савдо ҳажми икки баравар ёки ҳатто уч баравар ошиши мумкин.

Битим ташқи дунё билан амалий алоқа боғлаш йўлида СССРда мавжуд бўлган кўпгина бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш имконини беради, АҚШ савдо палатасининг фикрича, ўтган йили СССРда қарийб мингта Совет-Америка қўшма корхонасини яратиш тўғрисида шартнома имзоланган эди, лекин шартнома бюрократик тўсиқлар туфайли фақат 40—50 тагина компания иш бошлади. Лекин ҳар ҳолда эркин муомалада бўлмаган совет сўми ҳозирги кундаги асосий муаммо бўлиб қолаяпти. Демак, пировард натижада савдо-иқтисодий алоқаларнинг бундан буёнги ривожланиши СССРдаги иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият қозонишига боғлиқдир.

Юрий УСТИМЕНКО, (ТАСС).

Дарахт бир жойда кўкаради

ОНА УЙҒОТГАН ҲАВАС

МИРЗААҲМАД трамвай ҳайдовчилик касбини эгаллагунга қадар кўпгина машаққатли йўлларни босиб ўтди. Ўрта мактабни битирдию ошпазлик билим юртига ҳужжат топширди. Бир йил ўтгач «топармон» тенгқурлари Мирзаахмадни пиво заводида ишлаб мўмай пул топишга даъват этди. Пиво заводида ишлаб кўрди, бўлмади. Трамвайга тушганда ширин хаёллар оғушига берилар, онаси билан бирга вагон салонларини саранжом-саришта қилганини эсларди. Тўғри, Озода опа «Красновосточное» депосида фаррошлик қилар, севимли фарзанди Мирзаахмадни ҳам ўзи билан бирга ишхонасига олиб кетарди. Бу йигитда трамвай ҳайдашлик касбига ҳавас ана ўша йиллари уйғонган бўлса ажаб эмас.

Йиллар ўтган сари Мирзаахмаднинг қалбида ёшлик орзуси аланга олаверди. Хуллас, унинг ишлаб турган ишидан кўнгли совиди. Тўғри «Красновосточное» депосига келди. Ишга жойлашди. Трамвай ҳайдовчиси касбини чапдаст Станислав Тяндан ўрганиб олди.

Комсомол аъзоси Мирзаахмадни ҳеч иккиланмай шаҳримизнинг белбоғи ҳисобланган 28-трамвай маршрутига бириктириб қўйишди. Масофаси 16,2 километрли бу машрут Киров, Ленин, Фрунзе районларини бир-бири билан туташтиради. Юнусобод даҳасидан Самарқанд автостанциясигача 33 та бекат мавжуд. Эшикларни баравар очиб-ёпиш, ҳаракатдаги 15 та вагонлар оралиқ масофасини 8 минут сақлаш ҳайдовчидан юксак малака ва билим талаб қилади. М. Мирзаахмедов бу муҳим масъулиятни аварияси з юрувчилар мастери Ольга Хмелевская, Фахритдин Умаров, Абдурауф Юсуповлар билан бирга уддалади. Маршрут бошлиғи Юлия Тян ҳам Мирзаахмаддан мамнун. У тезда маршрут машъаллари Ф. Бегумқулов, Н. Баховутдиновлар сафидан ўрин олди.

— Қўшалоқ вагонни бошқара оласанми, — деб сўради маршрут бошлиғи бир куни мажлисдан сўнг Мирзаахмаддан.

— Албатта. 8 йиллик тажрибам борку.

Шаҳримиз кўчаларида гуриллаб юрган 3268—3269 номерли қўшалоқ вагонни М. Мирзаахмедов моҳирлик билан бошқариб келяпти. Айниқса, хавфли зона ҳисобланган Ш. Руставели, Шаҳристон, Тошкент алоқа институти яқинида трамвайни сезгирлик ва оҳиста бошқариш талаб этилади. Мирзаахмад бу вазифани аъло баҳариб, ҳайдовчиларга ибрат бўлаяпти.

Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Мирзаахмад йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатишга интилар, таъмирчиларни сифат ва самарадорликка эришишга илҳомлантирарди. Бундай ишчанлик унинг шуҳратини яна кўтарди. Мирзаахмад «Красновосточное» депоси комсомол комитети секретари этиб сайланди. Унинг биринчи мақсади 28-трамвай маршрутини «Комсомол-ёшлар маршрути» деган фахрли номга сазовор қилишдир.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.



⊙ **БИНОЛАРГА ЗЕБ БЕРУВЧИ. Тошкент бинокорлик материаллари комбинати сараловчиси Валентина Александрова рангли қошинлар тайёрлаш жонкуярларидан биридир.**

Т. Каримов сурати.

ВОСИТАЧИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

● Воситачи ким, деб ўйларсиз. У — бизнинг муҳарририятимиз эди. Нега дейсизми? Шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмасига телефон аппаратлари қониқарсиз ишлаётганлиги тўғрисидаги кўплаб хатларни юборарди. Энди Тошкент телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмаси бир таклиф билан чиқдики, уни қуйида эълон қиламиз.

ОҚШОМХОНЛАР Н И Н Г хатлари энг аввало шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмасининг у ёки бу иш фаолиятида аҳвол яхши эмаслигидан далолат бермоқда ва унинг раҳбарлари ҳам бундан яхши хабардордирлар, албатта. Ана шу хатлар таҳлили шуни кўрсатяптики, оқшомхонларнинг муҳарририятга мурожаат этиб хат йўллаётганлигининг асосий сабаби телефонлар қониқарсиз ишлаётганлиги ёки бўлмаса уларни тузатиш муддатлари чўзилиб кетаётганлиги ёхуд алоқа симларининг шикастланганлигидир. Гоҳо шундай ҳам бўладики, (тўғри, бундай ҳоллар кам) телефон ўрнатишга ёрдам сўраб мурожаат қилишади.

Бошиданоқ шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, муҳарририятга келган хатларни кўриб чиқиш чоғида шундай ҳоллар ҳам бўладики, унинг муаллифи кўтарган масала аллақачон ҳал этилган бўлади, телефон ҳам ишлаётган, телефон эгаси эса унинг ҳақини тўлаш ва телефон аппаратини ўрнатиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ҳақида таклиф ҳам олган бўлади. Адолат юзасидан айтиш керакки, бундай ҳоллар ҳам ҳамиша эмас, онда-сонда бўлиб туради.

Мана, энди муддаомизга тушунган бўлсангиз керак. Демак, бундан буён тўғридан-тўғри ана шу бирлашманинг ўзига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз. Шундай қилиб, сиз ёзган шикоят хати ёки ариза бўйича чора кўриш муддатлари энди анча қисқарадиган бўлди. Ишонаверинг, биз сизга тавсия қилаётган бу усул ҳозиргача мавжуд бўлган усулга қараганда анча самаралидир.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент, 700015, Тарас Шевченко кўчаси, 17-уй, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмаси.

ИҚТИСОД БЎЛИМИДАН. Бирлашманинг етакчи инженери И. Нафиқов таклиф этган бу усул маъқул ва ҳақиқатан ҳам самарали деб ўйлаймиз. Биз, Сиз, тошкентликларга қўлимиздан келганча ёрдам беришдан воз кечаётганлигимиз йўқ, асло. Бўлим шунчалик ана шу мазмундаги шикоят хатлари билан тўлиб-тошиб кетганлиги учун ҳам эмас.

Йўқ, гап бошқа ёқда. Муҳарририят почтасида муаллифлар ўзлари йўллаган хатларида бир нарсани ҳақли равишда ўртага қўймоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмасига мурожаат қилишганда кўпинча ё асосланмаган тарзда рад жавобини олишаркан ёки тузатилмаган бўлса ҳам тузатилди деб кетишган камчилик ҳақидаги жавобни олишаркан. Шуни айтиш керакки, ҳар бир мана шундай ҳол бирлашма раҳбарлари ҳузурида жиддий суҳбатга сабабдир.

Иккинчи бир томони ҳам борки, биз бу масалада сизларнинг қўллаб-қувватлашларингизга умид боғлаяпмиз: ўз хат ва мурожаатларингизда лоқайдлик, сансалорлик, юзакичилик ҳолларини, телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмаси айрим ходимларининг лоқайдлигини очиб ташлаяпсизки, бу энди бошқа гап. Бундай ҳолларда, яъни ўз хизмат вазифасини бажаришга совуққонлик билан қараётганларнинг исм-шарифларини элга ошкор қилиш зарурати туғилса, албатта шундай қилмоқ керак.

Жумҳурият янгиликлари

⊙ **МУБОРАК газни қайта ишлаш заводида жорий этилган технология муаллифларига табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиғи ва пул мукофоти берилди. Бу технология ёрдамида олтингугуртли бирикмаларнинг ҳавога чиқариб юборилишини камайтиришга муваффақ бўлинди. Энди таркибида олтингугурт миқдори кам бўлган газлар тўпланиб, улардан тақчил олтингугурт олинаяпти. Технологияни «СредазНИИгипрогаз» ва Мубарак газни қайта ишлаш заводи мутахассислари ишлаб чиқишган.**

⊙ **ЧИРЧИҚДАГИ «Узбекхиммаш» заводида табобат кислородли бароаппаратининг янги тажриба намунаси тайёрланди. Уни «СредазНИИгидромаш» институти мутахассислари корхона конструкторлари билан биргаликда ишлаб чиқишди. Илгариги шундай аппаратлардан фарқ қилувчи янги барокамера фойдаланишда ишончли бўлиб, микропроцессорли автомат бошқарув системаси билан жиҳозланган.**

⊙ **СИРДАРЁ рефрижератор депосининг ходимлари ўз даромадларининг 15 минг сўмдан кўпроқ қисмини «Ленинград» совхозидаги болалар уйи ҳисобига ўтказдилар. Шу маблағнинг ярми телевизорлар, радиоаппаратлар, спорт анжомлари сотиб олишга сарфланди. Депо меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига биноан энди темир-йўлчилар болалар уйини ўз оталиқларига оладилар.**

⊙ **АҲОЛИНИ ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш Ангрен шаҳар марказида жорий этилган автоматлаштирилган бошқарув системаси меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини номма-ном рўйхатга олишда, корхоналарда қанча бўш ўрин борлигини аниқлашда ёрдам беради. Бундан ташқари, электрон-ҳисоблаш техникаси зиммасига уюшган тарзда қабул қилиниб, мамлакатимиз бошқа минтақаларига ишга кетаётган кишиларни назорат қилиш ва рўйхатга олиш ҳам юклатилади. Илгари ишни бир неча киши аранг уддалаган жойда энди ЭҲМ бўйича биргина мутахассис ишлаяпти, холос.**

(ЎзТАГ).



Белграддаги автомобиллар кўргазмасида. Қаранг, хаёлга эрк бериб, автомобилни қай даражагача безаш мумкин экан.

ТАНЮГ—ТАСС суратн.

Биз халқнинг ўз муаллимларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш анъанасига қайтиш йўлидан бормоқдамиз. Уқитувчилар, муаллимларнинг яхши шароитларда ишлашлари, яшашлари ва дам олишлари учун барча эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатномасидан)

Келажагимиз—мактабда

Юрак тўридаги сиймо

МАКТАБ ўқитувчи учун қанчалик азиз бўлиб қолишини маориф соҳасида ишлаётганлар жуда яхши билишади. Таътил кунлари болаларни, ҳатто уларнинг танаффуси пайтидаги шўхликлари, шовқинларини соғинаман. Нега шундай? Сабаби, биз болалар дунёсини севиб қолганмиз.

Таниқли шоирлардан бири билан бўлган учрашувда унга шундай савол берилди: «Ўз устозингиз ҳақида ҳам шеър ёзганмисиз?». «Йўқ, — деди ижодкор бироз ўйга толгач. — Аниқроғи, ёзолмаганман, уринишларим беҳуда кетган. Бу улуғ сиймо доимо юрагим тўрида. Қачонлардир кўнгилдагидек шеър ёзишим аниқ».

Ўқитувчи шаънига айтилган бундай илиқ сўзлар нақадар қадрли, кишини илҳомлантиради. Мана, ўқувчиларнинг ёзги таътил дамлари бошланди. Аммо ҳақиқий мураббий шу давр мобайнида ҳам ўз устида ишлайди, изланади. Ана шундай жонкуярларнинг меҳнати эвазига пойтахтимиздаги қатор мактабларда муносиб ютуқлар қўлга киритилаяпти. Дарслар дисплей синфларда ўтилаётгани, фанлар бўйича чуқурлаштирилган сабоқлар ташкил этилгани, чет эл билим даргоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, баъзи мактабларда юқори синф ўқувчилари стипендия олишаётгани ислоҳот талаблари бажарилаётганидан далолат бериб турибди.

Партия ва ҳукуматимиз келажак авлоднинг пухта билим олиши, ўқитувчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга эътиборни кучайтирди. 1-5-синфларда таълим олаётган болаларга бепул нонушта берилаётгани фикримизнинг ёркин далилидир. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг бошланғич синф ўқитувчилари иш ҳақини ойига 35 фоиз ошириш ҳақидаги Фармони эса барчамизни қувонтириб юборди. Мен кўп минг сонли ўқитувчиларимиз сафида таълим-тарбия самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётганимдан фахрланаман.

Ота-оналар билан бўлган суҳбатларда шу нарса аён бўлдики, ҳали кўпчилик боласининг бўш вақти қандай ўтаётгани билан қизиқаётгани йўқ. Менимча, бу масалага биринчи навбатда эътиборни қаратмоғимиз зарур. Фарзандларимиз мактабдан ташқари пайтда спорт ва маданий-маиший тўгаракларга қатнашишсин, бирор касб-ҳунар эгаллашсин, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишсинлар. Шундагина ахлоқ-одоб, катталарга ҳурматни ўрганиб, инсон қадрига етадиган бўлишади. Мен бу сўзларни бекорга куюниб айтаётганим йўқ. Бир воқеа юрагимни ларзага солиб юборди.

Бир маҳаллада яшовчи ака-укалар байрам кечаси кўпчиликнинг тинчлигини буздилар. Ғала-ғовурдан кўчага чиққан қўшниси, отаси тенги келадиган қарияни ўртага олиб, унинг муаллимлигини масхара қилишди. «Китоб-дафтар, бир халта бўр солинган папкангни нега кўтариб чиқмадинг, домла?», дея калака қилдилар.

Эртасига эса улардан бири келиб кечирим сўраш ўрнига, қон босими ошиб ётган отани йўлакка чақирдида, ёнида олиб келган бир шиша арақни мажбуран ичирмоқчи бўлди. Ота ялиниб-ёлбориб, уни бир амаллаб уйидан чиқариб юборди.

Кекса ўқитувчи уч кунгача «Ким эдиму, ким бўлдим, қариган чоғимда маҳалла-қўйнинг оқибати шуми ҳали. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштирдим. Энди кўзимдан нур, белимдан қувват кетганда бир арақхўрга эрмак бўлиб қолдим», — дея ўксиниб, изтироб чекди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир инсонга нисбатан ўтакетган беҳурматлик эмасми бу? Шу воқеани эслаб, ичкиликка муккасидан кетиб, ён-атрофидагиларга манавий зарар етказаётган кимсалар албатта жазоланиши керак, дейман. Ўқитувчининг шаънига доғ туширив, қадр-қимматини оёқости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ичкиликбозлик эса инқилобий қайта қуриш, ижтимоий-адолат сари тутган йўлимиздаги катта ғов, аянчли қусурдир. Шундай экан, унга қарши кураш олиб бориш мавсумий эмас, балки партия ташкилотлари, совет ва касаба уюшма органлари, ҳуқуқ-тартибот, маҳалла қўмиталари, шунингдек тарбиячиларнинг жонажон ишига айланмоғи лозим.

Ҳадемай яна сентябрь эшик қоқади. Биз каби халқ таълими усталари олдида эгалланган тажрибаларни ёшларга ўргатиш, илғор иш услубларини тарғиб этиш, август кенгашларига пухта тайёрланиш каби вазифалар турибди. Ўйлайманки, бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мурожаатномасида айтилган фикрлар ҳаракат дастуримиз бўлиб қолади.

Халқимизда устоз отангдан улуғ, деган нақл бор. Унинг ҳурмати эса шогирдларининг камолоти билан ўлчанади. Ёшларимиз буни унутмасликлари зарур.

Турғун ТОШПЎЛАТОВ,
меҳнат кексаси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Соз ўтаётган ёз

Суратли репортаж







МАКТАБ ўқувчилари орзиқиб кутган кунлар ҳам келди. Айниқса уни бу йил битириб қўлларига етуклик гувоҳномасини олишга тараддуд кўраётган йигит ва қизларнинг қувончи, ҳаяжони ўзгача. Уларнинг жажжи укалари эса айни шу кунларда ўзларининг ёзги таътилларини хушҳаво ва сўлим жойларда мароқ билан ўтказмоқдалар.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ райони табиати таърифга асло муҳтож эмас. Бу ерга бир марта келган киши уни доим эслаб, олган таассуротларини узоқ вақт завқ ва шавқ билан сўзлаб юради. Агар борди-ю, бу ерга мактаб ўқувчилари келиб, ўзининг ёзги таътилини завқли ўтказса у ўқувчининг қалбида умрбод сақланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бинобарин, шу кунларда Оқтошдаги «Космос» деб аталувчи пионерлар лагерида эрта тонгдан то шомгача болакайларнинг қувноқ кулгулари аримайди. Биз жамоатчи суратчимиз Равиль Альбеков билан ана шу пионерлар лагерида бўлган чоғимизда бу ерда тошкентлик мактаб ўқувчилари учун барча етарли шарт-шароитлар яратилганлигининг шоҳиди бўлдик. Ҳозир лагернинг биринчи сменаси ўз бағрига 500 га яқин болани олган. Бу болалар 12 отрядга бирлаштирилган. Турли жойларга завқли саёҳатлар дейсизми, бири-биридан қизиқ мусобақалар дейсизми, танловлар, баҳслар дейсизми, турли тўгаракларда машғулотларда қатнашиш дейсизми хуллас, буларнинг ҳаммаси дам олувчилар ихтиёрига бериб қўйилган имкониятлардир.

— Лагеримиз муассаффо тоғ ҳавоси бағрида жойлашган, — дейди 6-отряд етакчиси, жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институтининг талабаси Гўзал Абдукаримова, — бу нарса болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлашлари, яхши ҳордиқ чиқаришларининг муҳим омилидир. Ана шунинг учун ҳам бу ерда ўқувчилар табиат бағрида маза қилиб дам олмоқдалар, янги ўқув йилига куч-қувват тўпламоқдалар.

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу лагерда тошкентлик ўқувчилар ўзларининг ёзги таътилларини мароқли ўтказмоқдалар. 24 кунлик дам олишдан кейин Тошкентга тўлишиб, қорайиб қайтган фарзандларини кўрган ота-оналарнинг мамнун бўлишлари турган гап.

С. БОБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: отряд етакчиси Гўзал Абдукаримова ўқувчиларга сўлим табиат ҳақида сўзлаб бермоқда; ўқувчилар табиат бағрида; арқимчоқларда маза қилиб учишнинг ҳам гашти бошқача бўлади.

Санъатнинг сеҳрли олами

Мусиқа байрами

БУНДАН тўққиз йил аввал Францияннинг ташаббуси билан мусиқанинг Умумевропа кунини ўтказишга қарор қилинганди. Шу йил 20 июнда бу байрамда биринчи марта Совет Иттифоқи ҳам қатнашади. Шу куни бошқа Европа мамлакатлари сингари бизнинг Ватанимизда ҳам мусиқа катта концерт залларида, санъат саройларида, истироҳат боғи саҳналарида жаранглайди. Шу байрамга Тошкент шаҳрида ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда.

М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармониясининг етук профессионал жамоалари: давлат симфоник оркестри, давлат хор капелласи, давлат халқ чолғу асбоблари оркестри, шу жумладан машҳур қўшиқчилар бастакорларнинг машҳур классик ва замонавий асарларидан программа тайёрламоқдалар.

Концертлар Горький номли маданият ва истироҳат боғида ва Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги номли боғда ўтказилади.

Д. ОБЛАЕВ.

Чашма каби зилол...

САҲНАДА парда очилиб юзида табассум балқиб чиққан раққоса пайдо бўлади. Унинг жозибали ва нафис ҳаракатлари томошабин қалбини қитиқлайди, илиқ ва ёқимли ҳислар уйғотади. Гўё у ўзининг мусиқага ҳамоҳанг чуқур маъноли ҳаракатлари билан томошабинни сеҳрлаб қўйгандек. Рақснинг ўзига хос «сир»и ҳам ана шунда-да.

Бундан чорак аср муқаддам моҳир истеъдод эгаси Мукаррама Тўргунбоевага илк бор шогирд тушган Флорида кўпроқ ана шундай масъулият ҳақида ўйларди. Кейинчалик... Ҳа, у кейинчалик устозидан рақс санъатининг энг нозик қирраларини ўрганди. Рақснинг жозибали чиқиши-ю, томошабинга етиб бориши раққосадан катта талант ва меҳнатни талаб қиларди. Шу боис бўлса керак муттасил изланиш, тинимсиз меҳнат ва қайта-қайта машқ қилишдан эринмаслик Флорида Низомутдинова учун асосий хислатга айланди. Аввалига фақат уйғурча рақсларни ижро этган раққоса, кўп ўтмай покистонча, лахор, японча, марокаш, арабча сингари рақсларни маромига етказиб ўйнади. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, Мукаррама опа ўз даврида «Бу қиздаги ноёб истеъдод чашма каби зилол ва қайноқ» дея бежиз баҳо бермаганлар. Флорида ўз маҳоратини дунёга танитганлардан. Унинг Япония, Франция, Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Финляндия, Австралия ва Норвегия сингари ўнлаб чет мамлакатларга сафари санъатнинг катта бир қиррасини тарғиб этишга ёрдам берди. 1968 йили ёш раққосани театр уюшмаси аъзолигига қабул қилдилар. Орадан кўп ўтмай яна омад унга кулиб боқди. У ўз ўйинлари билан Германия Демократик жумҳуриятида ўтказилган X жаҳон ёшлар фестивалида иштирок этди. 1979 йили эса жумҳуриятнинг бир гуруҳ фаол ёшлари қаторида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори бўлди. Ў ижро этган «Гулойим», «Ўйнасин», «Қизил гул», «Уйғур қизи» каби рақсларни кўрганда завқланмай иложимиз йўқ. Раққоса билан бўлган олдинги мулоқотимизда истеъдод сирларидан воқиф бўлиб ҳаяжонга тушдик, ҳатто унинг оилавий аҳволига ҳам тўхталиб ўтдик. Мақсадимиз раққоса иш услубининг нақадар маш-



шаққатли эканлигини таъкидлашгина эмас, оилавий турмушида бахтли ҳаёт кечираётган аёлларидан бири эканлигини ҳам тарғиб қилиш эди. Бу ҳақда яна унинг ҳамкасабаси, М. Тўргунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс труппаси партия ташкилотининг котибаси Н. Зулинова шундай ҳикоя қилади:

— Ҳар бир киши ўзига хос фазилатга эга. Камтарлик, ўз ишига масъулият ва ҳурмат сингари фазилатлар Флорида учун асосийси ҳисобланади. Йигирма йилдирки у билан ҳамкорликда ишлаб келамиз. У труппада жуда кўп яккахон ўйинларни, хусусан ўзбек классик рақсларини маҳорат билан ижро этарди. Машҳур санъат арбоблари Тамарахоним, Г. Измайлова, Р. Каримова, Қ. Миркаримова, И. Оқилов, Р. Валломатзода (Тожикистон), А. Дилбозий (Озарбайжон)лардан тажрибасини оширибгина қолмай, устоз Мукаррамма опа санъатининг китоб бўлиб чиқишига ёрдам берди.

Сўнгра балет устаси Б. Қориева таклифи билан Навоий театри раққосалари учун уйғур рақсларини саҳналаштирди. «Баҳор» труппасига «Қашқар қизлари», «Қизлар қалби» каби ўйинларни олиб чиқиш билан бирга, бошқа жумҳурият раққосалари учун ҳам ўйин қўйди. Эндиликда у яна кўплаб раққосаларга рақс тушиш санъатини ўргатиб келмоқда. Мана яқинда, шаҳримизда илк бор ўтказилган «Нафосат» рақс кўригига тайёрланишда Г. Мансурхўжаева, Ш. Фозилжонова, Р. Ёқубжонова, О. Ёқубова, Х. Шарипова ва Р. Имомназарова сингари қизларга Мукаррама опа қўйган ўйинларни ўргатди. Улар орасида Ш. Фозилжонова билан Р. Ёқубжоновалар «Нафосат» кўригининг ғолиблари бўлишди.

Умуман санъатда ҳам ижоду изланиш, ҳам оилавий бахтни топишнинг ўзи бўлмайди. Флоридага уч фарзандини вояга етказа туриб, рақснинг шундай машаққатли сўқмоқларидан шунча йил ўтиб келаётганига қойил қолиш керак.

Оммавий ўйинда қирқта қизнинг қирқ томонга қараб ҳаракат қилмаслигида рақсга сайқал берувчи (репетитор)нинг хизмати катта. Ҳозирги кунда Флорида Низомутдинова ишидаги машаққатли ва нозик томонлари ҳам шунда. Рақсдаги чорак асрлик фаолиятидан сўнг унга ишониб бу вазифани топширишди. Раққосадан келгуси режалари, мақсадлари ҳақида сўрасак оддийгина қилиб: «Опа ўйинларини қайта тиклаш, унга янгидан сайқал бериш, келгусига топшириш», деб қўя қолди.

Феруза ҲУСАНОВА.

Педагогика институтининг янги кафедраси

Низомий номли Тошкент педагогика институтида эски ўзбек тили ва ёзуви кафедраси очилди.

— Мактабларда ушбу фаннинг жорий этилиши Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунида кўзда тутилган, — деди институт ректори М. Зоидов. — Демак, кадрлар тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширганн ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.лар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3x4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар, 5, 26 трамвайларнинг «Ёғмой комбинати» бекати, 26, 161 автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширганн ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.лар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг **пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади:** хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар юрхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан таъминланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари. 3x4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3; 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).



⊙ Шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усулларидан фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги пайтларда улар томонидан ўтказилган «Тун», «Қидирув», «Комплекс-4», «Қопқон», «Нуфуз» деб номланган тадбирлар бунга далил бўла олади.

Яқинда эса ана шундай яна бир тадбир — «Комплекс-5» ўтказилди. Унда «Тошкент оқшоми» мухбири ҳам бевосита иштирок этди.

«Қайноқ» нуқталарга

КЕЧКИ соат 21.00. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Ураимжон Абдуғаниев саф тортган милиция ходимларини олдида турган вазифа билан таништиришдан бошлади:

— Кеча шаҳримизда содир бўлган жиноятларнинг айримлари очилмай қолди. Бу, биринчи навбатда, сиз билан бизнинг айбимиз. Агар ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан ўтаганимизда яхшироқ натижаларга эришган бўлардик. Уйлайманки, бундан тегишли хулоса чиқариб оласизлар. Бугун ишимизни пухтароқ ташкил этишимиз керак. Огоҳлантириб қўяй: ҳар бирингизнинг ишингизни қаттиқ назорат қиламиз.

Бир зумда майдон ҳувиллаб қолди. Кўк чироқли машиналар ва уларнинг экипажлари ўз маконлари томон йўл олишди.

— Ураимжон Абдуғаниевич, «Комплекс-5» тадбирларидан нималар кўзлашмоқда?

— Бу тадбир уч кунга мўлжалланган. У икки босқичда—эрталаб соат 9 дан кечки 20.30 гача, кечки соат 21 дан эрталабки 7 гача ўтказилмоқда. Ҳозирча 535 гиёҳванд текширилди. 3049 та олдин судланган кишиларнинг турмуш тарзи, уларнинг яшаш шароити, иш жойи билан танишдик. 2616 ҳуқуқбузарлар аниқланди. Қонунга қарши турли ҳаракатлар учун 7104 та маъмурий протоколлар тузилди. 14608 автотранспорт текширилди. Улардан 12919 ҳайдовчига 78.783 сўмлик жарима солинди.

Суҳбатимиз худди шу ерда узилди. Ҳозиргина рациядан хабар қилинган маълумот зудлик билан бизни биринчи «сафар»га чорлади.

...Ҳамза районидаги Бакинская кўчасидамиз. Бу ерда оғир жиноят содир этилган. Шу кўчада турувчи, 2-автопарк ҳайдовчиси 1958 йилда туғилган Г. С. Диани қандайдир номаълум шахс пичоқлаб қочган. Кўкрак қафаси шикастланган жабрдийда тезда Тошкент Давлат медицина институтининг жарроҳлик бўлимига жўнатилди. Жиноятчи ким? У қаерга қочган? Бир зумда шу ҳақда сўраб-суриштирилди. Кимдир унинг ёш йигит эканлигини айтди.

— Мен кўчанинг четида турувдим. Улар ғижиллашиб қолишди. Кейин бирдан қаттиқ қичқиригини эшитдим. Йигит эса қўлида пичоғи билан мана бу кўчага қочиб кириб кетди. Қарасам ҳаммаёқ қон. Ердамга шошилдим. Бор гап шу, — деди бояги гувоҳ.

Воқеа содир бўлган жойга биз билан борган гуруҳ ўша айтилган кўчани назорат қилгани кириб кетди.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Хизматчилар бир йигитни ушлаб келишди. Унинг кийимларида қон доғлари бор эди. Шубҳали киши текширувга жўнатилди.

Жиноят устида

УЧАСТКА назоратчиси Тожибоевнинг эътиборини «Сирдарё» ошхонаси олдида қўлига Японияда ишлаб чиқарилган магнитофонни кўтариб олган икки йигит тортди. Ноёб ҳисобланган бу буюм уларнинг қўлига қандай тушиб қолди экан? Ҳар қалай бу ерда бир гап бор. Унинг устига йигитлар бетоқат. Кимнидир кутаётганлиги уларнинг юз-кўзидан шундоқ билиниб турибди.

Уларга учинчи шахс яқинлашди. 24—25 ёшлар чамасидаги бу йигит негадир ҳаяжонда эди. Тожибоев

— Қани пулни чўз бўлмаса.

— Олдин магнитофонимни қайтариб берларинг.

— Ма, ушла.

Йигитлар қоғозга ўралган пулни олаётганларида бирдан қатъий овоқлантирувчи овоз эшитилди.

— Қимирламанг!

Тожибоев хаёлини йиғиб улгурмай ҳар уччала йигит қаердандир пайдо бўлган милиция хизматчилари томонидан қўлга олинди. Тожибоев кейин билса улар шаҳар ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари Рамазонов ва бўлим хизматчиларидан Содиқов, Тупичин ва Исмоиловлар экан. Қаранг-а участка назоратчиси ҳали тушуниб улгурмаган ишдан улар ҳабар топишибди.

Нега лоқайдсиз, фуқаролар!

ТУНГИ соат бирлардан ошган. Биз ўтирган «РАФ» Октябрь район ички ишлар бўлими томон ошиқади. Рациядан хабар қилишларича у ерда ҳозиргина икки жиноятчи ушланган. Улар йўловчиларга босқинчилик қилишган. Кишиларни қўрқитиб пулларини, соатларини, қимматбаҳо кийимкечакларини ечиб олишган. Бизни район ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Абдурашид Шодиев кутиб олди.

— Бу воқеа шундоққина одамлар кўз ўнгида содир бўлган. Лекин улар қўрқибми, лоқайдлик қилиб, индамай ўтиб кетаверишган. Кимлардир тажовуздан қўрқиб бақириб-чақириб турса, сен ёрдам бериш ўёқда турсин, индамай ўтиб кетаверсанг. Ахир шунақа ҳам оқибатсизлик бўладими? — дейди А. Шодиев куйиб-пишиб. — Мана шу лоқайдлик туфайли куни кеча босқинчилар «Ленинград» меҳмонхонасида икки хизматчимизни отиб кетишди.

...Ресторан ҳар галгидек одамлар билан гавжум эди. Зал тўридан ўрин олган бир гуруҳ ёшларнинг олатасиридан ҳамма безор бўлган. Мусиқа садолари тобора авж олади. Йигитлар пол тепиб ўйинга тушиб кетишади. Лекин гуруҳ қилмишига ҳамма бефарқ. Бирор киши йўққи, ўрнидан туриб уларни тартибга чақириб қўйса, йигитлар ўтирган столга хизмат кўрсатаётган таом ташувчи аёлнинг юраги така-пука. Ахир улар озмунча буюртма беришдими, бир-гина арақнинг ўзидан бир нечта шишасини ичиб юборишди. Қуюқсуюқ таомлар, совуқ газакларни айтмайсизми?

Бечора аёлнинг шубҳаланганича бор экан, йигитлар ўринларидан туришди.

— Ҳисоб-китоб қилайми, — қўрқа-писа сўради таом ташувчи улардан.

— Қанақа ҳисоб. Ҳаммасини тўладимку. Яхшиликча йўқол кўзимдан, бўлмаса ҳозир нариги дунёга равона бўласан.

— Ҳазиллашманг йигитлар, ахир болаларим бор.

— Болаларини ўйлаган одам...

Аёл дод солиб одамлардан ёрдам сўради. Ҳеч ким чурқ этмади. Шу чоқ эшикдан милиция кийимидаги икки йигит кириб келди-ю, ўтирганлар юзига қон югурди.

Гуруҳ бошлиғи жанжални авжига чиқарди. Милиция ходимларидан

Шундай қилиб яна икки рэкетчи қўлга олинди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳали ёш, эндигина 25 ларни қоралаган йигитлар. Сергелида туришади. Турли ширкатларда ишлашар экан. Улар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Чайқовчи «аслаҳахонаси»

— «РАФ», «РАФ», мен Марказман, тезда Куйбишев районидаги 2-Шимоли-Шарқ даҳасида жойлашган автомашиналарни пулли сақлаш станциясига етиб келинг. У ерда қуролланган жиноятчи қўлга олинган.

Машинамиз ўз йўналишини ўзгартирди.

...Ширкат гаражи қоровули С. Султоновнинг тунда устама нархда ичимлик сотиб юришидан олдин ҳам базилар хабардор эди. Лекин уни қўлга тушириб бўлмасди. У ҳар гал баликдек сирпаниб қўлдан чиқиб кетарди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. У худди ичимлик сотиб турган вақтида қўлга олинди. Қизиғи шу ердаки, унинг ёни ва уйи тинтув қилинганда, 1 та жанговар граната, 3 та портловчи пакет топилди. Аммо «Космос» сигаретаси ғилофига жойланган модда ҳамманинг диққатини тортди. Мутахассислар уни аниқлаб беришди. Бу қўлбола тайёрланган портлатгич бўлиб, у билан нақ 25 квадрат метр жойни вайрон қилиш мумкин экан. Тергов ишлари ниҳоясига етгач, биз бу мавзуга балки яна қайтармиз, деган ниятда бу воқеани батафсил ёритмадик.

Шу куни Собир Раҳимов районда ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди.

14-омборхона ёнида тушдан кейин икки бола пайдо бўлди. Омборхона қоровули уларни дарҳол танийди. Кўпинча болалар тўрт киши бўлиб изғиб юришарди. Бугун эса улар иккита. Қоровул хаёл аралаш болаларни кўздан қочирганини билмай қолди, қидирди. Ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ. Тавба, улар бир зумда қайга йўқолди экан?

Шубҳаланган қоровул омборхона атрофини айлана бошлади. Қараса бир хонага ўрнатилган мўзлатгич тагидаги ойнанинг кўзи йўқ. У ўша ердан омборхона томон бошини суқди. Ивир-шивир овозлар қулоққа чалинди.

— Топдингми?

— Топдим.

— Тез бўл. Қоровул келиб қолади.

— Шошма. Бир йўла керакли асбобларни ҳам олиш керак-да.

Қоровул дарҳол район ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилди. Зудлик билан етиб келган гуруҳ ўғриларни жиноят устида қўлга туширди. Улар қаттиқ буюмдан ишланган муҳр туширувчи ноёб металлни, электр пайвандлаш ускуналари, темир арра, уч жуфт этик, ўлчов метри ва пичоқларни олиб чиқиб кетишаётган экан. Ҳозир 8-синф ўқувчилари Александр ва Михаилларнинг бу иши юзасидан Собир Раҳимов район ички ишлар бошқармаси ходимлари тергов олиб боришмоқда...

«Комплекс-5» операцияси давомида 118 та жиноий иш очилди. Булардан 21 таси турли гуруҳлар томонидан содир этилган жиноий ишлардир. Биз юқорида ана шу воқеа ҳодисалардан баъзилари билангина сизларни таништирдик, холос.

М. КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

⊙ СУРАТЛАРДА: операция давомида содир бўлган воқеа-ҳодисалардан баъзи лавҳалар.

Қ.Зоҳидов суратлари.

Одамлар осойишталиги посбонлигида

Ҳодисаларга тўла тун

риб қўяй: ҳар бирингизнинг ишингизни қаттиқ назорат қиламиз.

Бир зумда майдон ҳувиллаб қолди. Кўк чироқли машиналар ва уларнинг экипажлари ўз маконлари томон йўл олишди.

— Ураимжон Абдуғаниевич, «Комплекс-5» тадбирларидан нималар кўзлашмоқда?

— Бу тадбир уч кунга мўлжалланган. У икки босқичда—эрталаб соат 9 дан кечки 20.30 гача, кечки соат 21 дан эрталабки 7 гача ўтказилмоқда. Ҳозирча 535 гиёҳванд текширилди. 3049 та олдин судланган кишиларнинг турмуш тарзи, уларнинг яшаш шароити, иш жойи билан танишдик. 2616 ҳуқуқбузарлар аниқланди. Қонунга қарши турли ҳаракатлар учун 7104 та маъмурий протоколлар тузилди. 14608 автотранспорт текширилди. Улардан 12919 ҳайдовчига 78.783 сўмлик жарима солинди.

Суҳбатимиз худди шу ерда узилди. Ҳозиргина рациядан хабар қилинган маълумот зудлик билан бизни биринчи «сафар»га чорлади.

...Ҳамза районидаги Бакинская кўчасидамиз. Бу ерда оғир жиноят содир этилган. Шу кўчада турувчи, 2-автопарк ҳайдовчиси 1958 йилда туғилган Г. С. Диани қандайдир номаълум шахс пичоқлаб қочган. Кўкрак қафаси шикастланган жабрдийда тезда Тошкент Давлат медицина институтининг жарроҳлик бўлимига жўнатилди. Жиноятчи ким? У қаерга қочган? Бир зумда шу ҳақда сўраб-суриштирилди. Кимдир унинг ёш йигит эканлигини айтди.

— Мен кўчанинг четида турувдим. Улар ғижиллашиб қолишди. Кейин бирдан қаттиқ қичқиригини эшитдим. Йигит эса қўлида пичоғи билан мана бу кўчага қочиб кириб кетди. Қарасам ҳаммаёқ қон. Ердамга шошилдим. Бор гап шу, — деди бояги гувоҳ.

Воқеа содир бўлган жойга биз билан борган гуруҳ ўша айтилган кўчани назорат қилгани кириб кетди.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Хизматчилар бир йигитни ушлаб келишди. Унинг кийимларида қон доғлари бор эди. Шубҳали киши текширувга жўнатилди.

Жиноят устида

УЧАСТКА назоратчиси Тожибоевнинг эътиборини «Сирдарё» ошхонаси олдида қўлига Японияда ишлаб чиқарилган магнитофонни кўтариб олган икки йигит тортди. Ноёб ҳисобланган бу буюм уларнинг қўлига қандай тушиб қолди экан? Ҳар қалай бу ерда бир гап бор. Унинг устига йигитлар бетоқат. Кимнидир кутаётганлиги уларнинг юз-кўзидан шундоқ билиниб турибди.

Уларга учинчи шахс яқинлашди. 24—25 ёшлар чамасидаги бу йигит негадир ҳаяжонда эди. Тожибоев

— Қани пулни чўз бўлмаса.

— Олдин магнитофонимни қайтариб берларинг.

— Ма, ушла.

Йигитлар қоғозга ўралган пулни олаётганларида бирдан қатъий овоқлантирувчи овоз эшитилди.

— Қимирламанг!

Тожибоев хаёлини йиғиб улгурмай ҳар уччала йигит қаердандир пайдо бўлган милиция хизматчилари томонидан қўлга олинди. Тожибоев кейин билса улар шаҳар ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари Рамазонов ва бўлим хизматчиларидан Содиқов, Тупичин ва Исмоиловлар экан. Қаранг-а участка назоратчиси ҳали тушуниб улгурмаган ишдан улар ҳабар топишибди.

Нега лоқайдсиз, фуқаролар!

ТУНГИ соат бирлардан ошган. Биз ўтирган «РАФ» Октябрь район ички ишлар бўлими томон ошиқади. Рациядан хабар қилишларича у ерда ҳозиргина икки жиноятчи ушланган. Улар йўловчиларга босқинчилик қилишган. Кишиларни қўрқитиб пулларини, соатларини, қимматбаҳо кийимкечакларини ечиб олишган. Бизни район ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Абдурашид Шодиев кутиб олди.

— Бу воқеа шундоққина одамлар кўз ўнгида содир бўлган. Лекин улар қўрқибми, лоқайдлик қилиб, индамай ўтиб кетаверишган. Кимлардир тажовуздан қўрқиб бақириб-чақириб турса, сен ёрдам бериш ўёқда турсин, индамай ўтиб кетаверсанг. Ахир шунақа ҳам оқибатсизлик бўладими? — дейди А. Шодиев куйиб-пишиб. — Мана шу лоқайдлик туфайли куни кеча босқинчилар «Ленинград» меҳмонхонасида икки хизматчимизни отиб кетишди.

...Ресторан ҳар галгидек одамлар билан гавжум эди. Зал тўридан ўрин олган бир гуруҳ ёшларнинг олатасиридан ҳамма безор бўлган. Мусиқа садолари тобора авж олади. Йигитлар пол тепиб ўйинга тушиб кетишади. Лекин гуруҳ қилмишига ҳамма бефарқ. Бирор киши йўққи, ўрнидан туриб уларни тартибга чақириб қўйса, йигитлар ўтирган столга хизмат кўрсатаётган таом ташувчи аёлнинг юраги така-пука. Ахир улар озмунча буюртма беришдими, бир-гина арақнинг ўзидан бир нечта шишасини ичиб юборишди. Қуюқсуюқ таомлар, совуқ газакларни айтмайсизми?

Бечора аёлнинг шубҳаланганича бор экан, йигитлар ўринларидан туришди.

— Ҳисоб-китоб қилайми, — қўрқа-писа сўради таом ташувчи улардан.

— Қанақа ҳисоб. Ҳаммасини тўладимку. Яхшиликча йўқол кўзимдан, бўлмаса ҳозир нариги дунёга равона бўласан.

— Ҳазиллашманг йигитлар, ахир болаларим бор.

— Болаларини ўйлаган одам...

Аёл дод солиб одамлардан ёрдам сўради. Ҳеч ким чурқ этмади. Шу чоқ эшикдан милиция кийимидаги икки йигит кириб келди-ю, ўтирганлар юзига қон югурди.

Гуруҳ бошлиғи жанжални авжига чиқарди. Милиция ходимларидан

Шундай қилиб яна икки рэкетчи қўлга олинди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳали ёш, эндигина 25 ларни қоралаган йигитлар. Сергелида туришади. Турли ширкатларда ишлашар экан. Улар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Чайқовчи «аслаҳахонаси»

— «РАФ», «РАФ», мен Марказман, тезда Куйбишев районидаги 2-Шимоли-Шарқ даҳасида жойлашган автомашиналарни пулли сақлаш станциясига етиб келинг. У ерда қуролланган жиноятчи қўлга олинган.

Машинамиз ўз йўналишини ўзгартирди.

...Ширкат гаражи қоровули С. Султоновнинг тунда устама нархда ичимлик сотиб юришидан олдин ҳам базилар хабардор эди. Лекин уни қўлга тушириб бўлмасди. У ҳар гал баликдек сирпаниб қўлдан чиқиб кетарди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. У худди ичимлик сотиб турган вақтида қўлга олинди. Қизиғи шу ердаки, унинг ёни ва уйи тинтув қилинганда, 1 та жанговар граната, 3 та портловчи пакет топилди. Аммо «Космос» сигаретаси ғилофига жойланган модда ҳамманинг диққатини тортди. Мутахассислар уни аниқлаб беришди. Бу қўлбола тайёрланган портлатгич бўлиб, у билан нақ 25 квадрат метр жойни вайрон қилиш мумкин экан. Тергов ишлари ниҳоясига етгач, биз бу мавзуга балки яна қайтармиз, деган ниятда бу воқеани батафсил ёритмадик.

Шу куни Собир Раҳимов районда ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди.

14-омборхона ёнида тушдан кейин икки бола пайдо бўлди. Омборхона қоровули уларни дарҳол танийди. Кўпинча болалар тўрт киши бўлиб изғиб юришарди. Бугун эса улар иккита. Қоровул хаёл аралаш болаларни кўздан қочирганини билмай қолди, қидирди. Ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ. Тавба, улар бир зумда қайга йўқолди экан?

Шубҳаланган қоровул омборхона атрофини айлана бошлади. Қараса бир хонага ўрнатилган мўзлатгич тагидаги ойнанинг кўзи йўқ. У ўша ердан омборхона томон бошини суқди. Ивир-шивир овозлар қулоққа чалинди.

— Топдингми?

— Топдим.

— Тез бўл. Қоровул келиб қолади.

— Шошма. Бир йўла керакли асбобларни ҳам олиш керак-да.

Қоровул дарҳол район ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилди. Зудлик билан етиб келган гуруҳ ўғриларни жиноят устида қўлга туширди. Улар қаттиқ буюмдан ишланган муҳр туширувчи ноёб металлни, электр пайвандлаш ускуналари, темир арра, уч жуфт этик, ўлчов метри ва пичоқларни олиб чиқиб кетишаётган экан. Ҳозир 8-синф ўқувчилари Александр ва Михаилларнинг бу иши юзасидан Собир Раҳимов район ички ишлар бошқармаси ходимлари тергов олиб боришмоқда...

«Комплекс-5» операцияси давомида 118 та жиноий иш очилди. Булардан 21 таси турли гуруҳлар томонидан содир этилган жиноий ишлардир. Биз юқорида ана шу воқеа ҳодисалардан баъзилари билангина сизларни таништирдик, холос.

М. КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

⊙ СУРАТЛАРДА: операция давомида содир бўлган воқеа-ҳодисалардан баъзи лавҳалар.

Қ.Зоҳидов суратлари.





орқа томондан уларга яқин келди. Йигитларнинг сўзлари энди баралла эшитила бошлади.

— Яхши вақтида етиб келдинг, акс ҳолда...

— Топиб келдимда...

— Аммо айтиб қўяй, агар оғзингдан бирор кишига гуллаб қўйсанг нақ бошинг кетади. Онангдан жудо бўласан яна...

— Биламан ҳаммасини...

бири унинг гарданига чанг солди. Йигитлар ошхона тарафга қочишди. Иккинчи милиция хизматчиси улар орқасидан тушди. Бирдан кутилмаганда ўқ овози эшитилди. Қонга беланган милиция хизматчиси жароҳатланган бўйнини ушлаганича ҳушсиз йиқилди.

Унинг ҳамроҳи дўстига ёрдамга шошилди. Жиноятчилар уни ҳам тўппончадан бир неча марта отиш-

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 21 июнда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ УЧУН САБЗАВОТЛАР УЙИНГИЗГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ!

Тошкент агросаноат бирлашмасининг Киров район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати ана шундай хизматни кўрсатмоқда.

Бунинг учун Тимирязев кўчасидаги 52-уйининг 13-корпусида жойлашган комбинатнинг идорасига ёки Киров районининг сабзавот магазинларига мурожаат қилиш лозим. Идоранинг телефони — 35-62-81.



СИЗЛАРГА

оддий ва гулкарамни,
янги узилган сабзини (пояси билан),
барра бодринг ва памилдориларни,
янги саримсоқпиёзни,
янги картошкани,
кўкатларни таклиф қиладилар.

Сабзавотларнинг ҳаммаси ўз фазилатига эга, ҳар бирининг ўз таъми бор, витаминларга ва минерал моддаларга, шу жумладан мойни парчинловчи тартрон кислотасига ҳам бой. Уларнинг айримлари шифобахш хусусиятга эга. Масалан, сабзи, уни кўпинча «каротин хазинаси» деб ҳам аташади, камқонликдан фориғ этади, аъзоларни мустаҳкамлайди, кўриш қобилиятига ижобий таъсир этади. Қон босими ошганда, атеросклерозда саримсоқпиёз яхши ёрдам беради. Шамоллаш хасталикларини даволашда ҳам унинг ўрнини боса оладиган дори йўқ. Чунки таркибида кўп миқдорда фитонцидлар бор.

Сабзавотларни етказиб берганлик учун прейскурант бўйича ҳақ олинади. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи нархларда сотилади.

Мева-сабзавот комбинати идорасининг телефони 35-62-81 эканлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент агросаноат бирлашмасининг Киров район улгуржи чакана мева-сабзавот комбинати.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ХОНАКИ КИНО ЗАЛИМИЗГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Агар уйингизда ўз диапроекторингиз бўлса, кино экрани олдида ёр-дўстларингизни, болаларни тўплашингиз мумкин.

Қизиқарли эртаклар, таваллуд ва тўй тантаналари, ёзги ва қишки саёҳат тасвирлари... буларнинг ҳаммаси хонаки экранингизда томошабинлар кўз ўнгида намоён бўлади.



Мабодо ҳали диапроектор сотиб олмаган бўлсангиз, таклиф қиламиз:

«ДИАНА—207» — масофадан туриб бошқариладиган мазкур автомат диапроектор бир йўла 50 та диапозитив билан заправка қилиш учун мўлжалланган. Проекция объективи «Триплет» 2,8/80 мм. Диапроектор шамолатиш мосламаси, вақт релеси, проекция лампасини оҳиста ишга туширишни тутқичи билан жиҳозланган. У автомат режимда ишлай олади. Баҳоси — 275 сўм.

«ЛЭТИ—60 М» перфорация қилинган 35 миллиметрли киноплёнка ўрамидаги диафильм кадрларини экранга проекция қилиш учун мўлжалланган. Аксарият проекторларга нисбатан қатор афзалликларга эга: масофадан туриб бошқарилади, кадрлари горизонтал ва вертикал жойлашган плёнкалардан фойдаланиш мумкин, ёруғлигининг ниҳоятда кучлилиги диафильмларни хонанинг ёруғлигига қарамай намойиш этиш имконини беради. Баҳоси — 260 сўм.

Телефон — 98-39-88.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Узбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИБ ЎҚИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН

АБИТУРИЕНТЛАР, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ТАРИХ, ЖАМИЯТШУНОСЛИК, МАТЕМАТИКА, ИНГЛИЗ ТИЛИ, ФИЗИКА, ГЕОГРАФИЯ фанлари бўйича кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотларни қабул комиссиясидаги кириш имтиҳонларида ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган университет ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар жараёнида **амалий маслаҳатлар, иншо, диктант** ёзиш кўникмалари ва бошқа фанлардан кириш имтиҳонлари топшириш бўйича йўл-йўриқ олишлари мумкин.

Машғулотлар якшанбадан ташқари ҳар куни жадвал бўйича соат 16.00 дан бошлаб университет Маданият саройида 18 ИЮНДАН 30 ИЮЛГАЧА ва 1 ИЮЛДАН 15 ИЮЛГАЧА ўтказилади.

Абонементларни В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг Маданият саройида (26-хона) ҳар куни соат 11 дан 18.00 гача сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 46-39-55.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

ПРЕМЬЕРА

21, 22 июнь

Рамз БОБОЖОН асари
Фарҳод АЛИМОВ мусиқаси.

«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО»

(2 пардали шеърий мусиқали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Рустам БОБОХОНОВ.
Дирижёр — Наби ХАЛИЛОВ.
Рассомлар — Собир БЕКМАТОВ, Рашид БАЙШЕВ.
Кийимлар бўйича рассом — Гулнора БАКИРОВА.
Хормейстер — Комил САЪДУЛЛАЕВ.
Балетмейстер — Шокир АҲМЕДОВ.
Концертмейстерлар — Белла ЦЕПЕМАН, Нигора АЗИМОВА.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
А. Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли

ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

ПРЕМЬЕРА

22, 24 июнда

П. ЧАЙКОВСКИЙ, И. СТРАВИНСКИЙ, С. ПРОКОФЬЕВ, А. ХАЧАТУРЯН куйлари асосида уч бўлимдан иборат

БАЛЕТ, БАЛЕТ, БАЛЕТ...

Мусиқа раҳбари ва дирижёр — А. СЕРЕБРЯНИК.
Саҳналаштирувчи балетмейстерлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти И. ЮСУПОВ, СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА, Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган балетмейстерлар конкурси дипломанти, А. В. Луначарский номидаги давлат театр санъати институти битирувчиси И. СУЛТОНОВ.
РАССОМЛАР: Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати С. ФЕСЬКО, И. ШОРАҲИМОВА.
ЛИБОСЛАР БЎЙИЧА РАССОМ. — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР давлат мукофоти лауреати З. КУРИШ.
РЕПЕТИТОРЛАР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ш. ТУРСУНОВ, Н. ЁҚУБОВА, Л. БЕСКЛУБОВА.

ДАСТУРДА:

И. Стравинский «ФАРИШТА БУСАСИ».
Балет дивертисменти.
А. Хачатурян, «ГАЯНЕ».
БАДИЙ РАҲБАР — Ўзбекистон ССР халқ артисти И. ЮСУПОВ.
Билетлар сотилмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/VI да **Зебунисо**, 20/VI да **Боғчасарой фаввораси**, 21/VI да **Иолантa**, 22/VI да **Балет, балет, балет...** (премьера).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20, 21/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 20/VI да **Хотинимнинг эри**, 21, 22/VI да **Юсуф ва Зулайҳо.** (премьера).

1990 йил 20, 23 июнь кунлари соат 18.30 да Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 48-уйда шифокор-экстрасенс, СССР экстрасенслар уюшмаси аъзоси, биотерапевт Р. Х. Ҳусаинов даволаш сеансларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Узарфильм» муаллифлик бирлашмаси.

Тошкент шаҳар 55-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Расулов Ҳасан Файзуллаевич** номига берилган 462732 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Киров ноҳиясидаги 5-турар жойлардан фойдаланиш бошқармасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясидаги 4-ўрта мактаб томонидан **Жовбўриев Тўлқин Тожибоевич** номига берилган Г 714815 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 60-кечки ва сиртқи мактаб томонидан **Шомансурова Гулчеҳра Шаҳакимовна** номига берилган 263957 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 20-ўрта мактаб томонидан **Юсупов Аброр Анваровичнинг** номига берилган 556388 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Янгиобод шаҳар 4-ўрта мактаб томонидан **Шерматов Жоламбой Тургунович** номига берилган 080119 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети Куйбишев район партия комитетининг биринчи котиби Ш. Т. Нусратовга онаси

Матлубахон Назировна НУСРАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Халқ депутатлари Куйбишев район Совети, Ўзбекистон Компартияси район комитети халқ депутатлари район Советининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби Ш. Т. Нусратовга онаси

Матлубахон Назировна НУСРАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Узкультторг» Тошкент вилоятлараро улгуржи савдо базаси жамоаси базанинг кекса ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер

Комилжон ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар дезинфекция маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба уюшмаси жамоаси шаҳар юкумли касалликларнинг олдини олиш ва зарарсизлантириш бўлимининг энтомолог — мутахассис ёрдамчиси Р. Усмоновга отаси

Усмон ҚУЗИБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 10096.
140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.